

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 140 (10.193)

2004 ЙИЛ 22 ИЮЛЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА

● **КЕЧА** Яққасарой туманидаги 160-мактабда, «Қушбеги», «Бошлик» маҳаллаларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан бағишланган йилгилик бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Сергели туманидаги «Ёрқин ҳаёт» маҳалласи спорт майдончасида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан тузилган «Ёзни Қамолот билан!» лойиҳаси доирасида кўча оммавий спорт уйинлари ўтказилди.

● **«ОНИК»** акциядорлик жамияти қошида италийлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда газ ўлчагичлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона фаолият бошлади.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жисмоний тарбия институтининг абитуриентлар иходий имтиҳондан ўтишди.

● **ГРЕЦИЯ** пойтахти Афина шаҳрида ўтказилган ёш математиклар олимпиадасида бронза медаллари нишондори бўлган бир гуруҳ ўзбекистонлик ёшлар Тошкентга қайтиб келишди.

● **«ЭСКИ ЖУВА»** деҳқон бозори худудида янги таъмирдан чиққан озик-овқат савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар «Тадбиркор аёллар» уюшмаси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорликларида уюштирилган йилги Лишда Тошкент шаҳар «Тадбиркор аёллар» уюшмасида партиянинг бошланғич ташкилоти тузилганлиги маълум қилинди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

Эски шаҳар ёшаради

ОИЛАВИЙ ШИФОХОНА ҚУРИЛМОҚДА

Айни кунларда шахримизнинг Эски шаҳар қисмида қад ростлаётган замонавий иншоотларни бунёд этишда юзлаб толмас кўлли бунёдкорлар ўз маҳоратларини намоён этишиб, гайрат-шижоатларини биноларни тез ва соз қуришга сарфлашмоқда.

Пойтахтимиздаги «12-трест» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 65-қурилиш бошқармаси ҳам бу борада масъулиятни зиммаларига олишди. 150 нафардан зиёд қурувчини бирлаштирган жамоа ахли айни кунларда Форобий кўчасига қўрк, Собир Раҳимов тумани аҳолисига қулайлик бўладиган замонавий оилавий шифохонани тиклаш ишларини ниҳоялашмоқда.

Ушбу кўркем бино Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилиб, саломатлик посбонлари ўз беморларига намунали хизмат кўрсата бошлайди. Шу туфайли ҳам



бунёдкорлар ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишмоқда.

Дилноза ҒИЁСОВА

СУРАТДА: устоз ва шогирд ғишт терувчилар — Нормуҳаммад Кўзиёв ва Бахтиёр Муллабоевлар.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ:

БУЮК АЖДОДЛАРИМГА МУНОСИБ БЎЛИБ ЯШАЙМАН



Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбек миллигининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зехн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ», деган пурмаъно сўзлари яна бир бор тасдиғини топди. 24 ёшли ўзбек ўғлини Рустам Қосимжонов жаҳонни лол қолдириб, шахмат тожини кийди.

«Ақл гимнастикаси» дея ардоқланадиган ажойиб ўйин бўйича жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлиш ўта мушкул. Бу борада жаҳон чемпиони ўтказила бошлаган XIX асрнинг иккинчи ярмидан буён Рустам Қосимжоновгача атиги 16 киши бундай юксак шарафга муяссар бўлга-

ни ҳам фикримиз исботидир. Спортнинг бошқа бирор турида жаҳон чемпиони нисбатан «жаҳон тожини кийди», деган иборанинг ишлатилмаслиги ҳам шундан.

Ҳамюртимиз халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов бугун шахмат оламининг шоҳи, «тож» унинг бошида.

— Неча минг йиллар муқаддам пайдо бўлган шахмат бугун замонамизнинг оммавий спорт турларидан бирига айланган, — дейди жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов. — Мазкур ўйин инсоннинг интеллектуал салоҳиятини оширади, хотирани мустаҳкамлайди. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳам шахматни марок билан ўйнаган, уни жуда яхши билган. Акам Хуршид шахмат ўйнашнинг урғатганида мен олти ёшда эдим. Шундан буён дона сураман.

Давоми 2-бетда.

EAN Uzbekistan маҳсулотларни автоматик идентификациялаш маркази завтрак соҳада кенг қўлланувчи умумжаҳон реестри GEPIR тизимига аъзо бўлди.

ЭКСПОРТ ИМКОНИАТИ

— Энди ўзбекистонлик товар ишлаб чиқарувчилар штрихли кодлаш ишларини мувофиқлаштирувчи халқаро ташкилот — EAN-UCSга аъзо давлатларнинг олти юз мингдан зиёд корхоналари ҳақида батафсил ахборот олиш ва уларга ўз маҳсулотлари тўғрисида маълумот бериш имкониятига эга бўлди. Бу эса мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада ошириши шубҳасиз.

Ягона ахборот базасини ўзида мўжассам этган ушбу тизим жаҳон таърибасида самарали татбиқ этилмоқда. Масалан, GEPIR орқали қалбаки маҳсулотларни тезда аниқлаш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш мумкин.

ЎЗА

XXI сағоси

Барча маълумотлар
олинган сўрагга хабарлар

Мамлакатимизда

● Навоий вилоятида «Ўзбекистонда 2004 йилда эркин демократик сайловлар ўтказишнинг ҳуқуқий асослари» мавзусидаги ҳудудий семинар бўлиб ўтди.

● Бугун Тошкентда «Урта-маҳсул касб-хунар таълими тизими тайёрлов йўналишларидаги кадрлар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш» йўналиши бўйича халқаро анжуман ўз ишнини бошлади. Ушбу анжуманда Ҳамдўстлик мамлакатлари ва хорижий давлатлардан ҳам мутахассислар иштирок этмоқда.

● Болалар кийимлари ва спорт формалари ишлаб чиқарувчи Шахрисабздаги «Садо» фирмаси маҳсулотларига хорижда ҳам харидорлар кўпаймоқда. Бу йил корхона Жанубий Кореянинг «Тойчин» фирмаси билан 500 минг долларлик маҳсулот учун битим имзолади.

● Республика Ақшерлик ва гинекология илмий-тектириш институтининг Наманган филиалида кенг қамровли реконструкция ишлари ниҳоясига етди. Бу ерда бир йўла 250 беморнинг даволаниши учун имконият яратилди.

● «Кўкон механика заводи» акционерлик жамияти нефть ва газ саноатида фойдаланиладиган деталлар ишлаб чиқаришни фаол ўзлаштирмоқда. Хусусан, таъриба участкасида «48-6 МА» бургулаш агрегати учун уч хил бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Жаҳонда

● Россия федерацияси Ички ишлар вазирлиги тизимида ўтказилаётган ислохотларга кўра вазирлик таркибига кирувчи бўлинмалар икки баравар қисқартирилади, вазирликнинг ўзи эса департамент тизимига ўтказилади.

● Айни кунларда Япония пойтахти Токиода жазирама иссиқ ҳукм сурмоқда. Пойтахт тарихида илк бор симоб устуни 39,5 даража кўрсаткичга етди.

● Gzarnikow Sugar компанияси экспертларининг фикрларига кўра, кейинги икки йил ичда жаҳон бозорида шаклар хом ашёсининг этишмовчилиги юзага келади.

● Марс сайёрасида ҳаёт мавжуд бўлиши мумкинлигининг яна бир далили аниқланди. Қизил сайёра атмосферасида аммиакнинг излари топилди.

● Американинг Форбс наشري жаҳондаги 587 нафар миллиардерларнинг рўйхатини эълон қилди. Унга 64 нафар янги миллиардерлар кирган бўлиб, биринчи уринини АК-Шлик 48 ёшли Билл Ғейтс 46,6 миллиард долларлик сармоя билан эгаллаб турибди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ



Шу йил мамлакатимизда муҳим сиёсий воқеа—биринчи марта икки палатали парламентга сайловлар бўлиб ўтади.

Бугунги кунда сайлов кампаниясига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишга бевосита ваколатли бўлган Марказий сайлов комиссияси томонидан кенг омма ўртасида мамлакатимиз сайлов қонунчилигини тарғиб қилиш, бўлажак сайловлар юзасидан тунтутиришлар олиб бориш борасида кўлами кенг тадбирлар ташкил этилмоқда. Хусусан, яқинда пойтахт ҳокимлигида ўтка-

зилган семинар-тренингда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бўришот Мустафоев давлатимиз қонунчилигининг ҳуқуқий асослари, Қонунчилик палатаси, Сенат ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар жараёнлари, депутатликка номзодлар ва сайловчилар ҳуқуқлари тўғрисида батафсил маълумот берди.

Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигининг ҳуқуқий асослари тўғрисида газетанинг 4-5-саҳифаларида танишасиз.

Транспорт**ВАЗИФАЛАР
КЎЛАМИ
КЕНГАЙДИ**

Республикамиз пойтахти аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш кўлами кенгайиб бормоқда. Ҳозир Тошкент шаҳрида кўплаб транспорт воситалари мунтазам қатнаб турибди.

Яқин келгусида бу жараённи янада кенг йўлга қўйиш кўзда тутилди. Шунга кура «Тошшаҳарйўловчиган» Давлат уюшмаси фаолият доирасининг янги қирралари юзга келмоқда. Уларнинг техник илмий ечимини ҳал этишга эътибор қўйилди.

Аввал хабар берганимиздек, уюшманинг «Тошшаҳарйўловчиган» хиссадорлик компаниясига айлантирилиши ҳам айтилган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори билан юзга келган бу янги компания зиммасига катта вазифалар юклатилди. Унинг таркибиде «Ипак йўли автотранс», «2-автокөбинат», «Электранстабмилот» каби хиссадорлик жамиятлари ҳам фаолият кўрсатади. Маркетинг хизмати бўйича илмий изланишлар олиб борилади.

**АВТОБУС
БЕКАТИГА
ЗАМОНАВИЙ
ЧИРОЙ**

Шаҳримиздаги автобус бекатларини туб таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Республикасида Муштақиллигининг ўн йилги арафасида бундай бунёдкорлик ишлари тугалланади.

«Олой бозори» автобус бекати эса ўзгача чирой касб этди. 4-автобус саройи ўз тасарруфидеги мазкур бекатни таъмирлашга катта миқдорда маблағ ажратди. Автобуслар тўхташ жойидаги эски томлар ва майда савдо шохобчалари олиб ташланди. Нозимхона эса энг қўлай жойга кўчирилди.

Бу ҳудуднинг деярли барча майдонига асфальт ётқизилди. Йўловчилар ўриндиқлари дид билан бўялди. Қўрилган бу каби тадбирлар йўловчилар учун қўлайлик яратиб, транспорт хизмати маданияти ошди.

**ТАЪМИРЛАШ
ИШЛАРИ
АВЖИДА**

Бугунги кунда ДЭУ автобусларидан транспорт воситалари сифатида унумли фойдаланилмоқда. Уларнинг двигателлари бир маромда ишлашини таъмирлашга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Шаҳримиздаги 2-автобус саройида амалга оширилаётган таъмирлаш ишлари ҳам қўрилган нахжани бермоқда. Автобуслар саломи дилазининг ҳам йўловчиларга манзур бўлишига эришилмоқда.

Бундан ташқари троллейбус ва трамвайларнинг ички қиёфасини дид билан жиҳозлаш жараёнлари ҳам бошлаб юборилди.

Бу хайрли ишга тажрибали транспортчи мутахассислар ҳам жалб этилди.

Ақбар АЛИЕВ

Фармон ва ижро**АЁЛЛАР МАНФААТИНИ ЎЙЛАБ**

Муштақиллик йилларида давлат миқёсида хотин-қизлар, аёллар манфаати ва бахт-иқболи йўлида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди, махсус дастурлар қабул қилинди. Мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътибор давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган.

Шу йилнинг 25 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон ҳам бу борада алоҳида ўрин тутади. Айни кунларда ушбу Фармон ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан жойларда хотин-қизлар бошланғич ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилмоқда.

Кунни кеча Шайхонтоҳур туманидаги Олим Хўжаев номидаги маҳаллада маҳалла хотин-қизлар комиссиясининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда маҳалланинг 110 дан ортақ фаол аёллари, олималар ва уй беклари иштирок этди. Тадбирни очар экан, маҳалла оқсоқоли Абдурашид Нажмидинов Юртбошимизнинг Фармонлари ўз вақтида қабул қилинганлиги ва унда белгиланган вазифалар фуқаролик жамияти сари тараққийимиз манфаатлари ҳамда мақсадлари билан узвий боғлиқлигини таъкидлаб ўтди.

Йиғилишда Шайхонтоҳур туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фа-

рида Ақбарова сўзга чиқиб, ҳар бир оилада, маҳаллада хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, Фармонда белгиланганидек, хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва бартараф этиш, хусусан оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги ишларни кучайтириш, хотин-қизларни иш билан банд этиш, уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш каби хотин-қизлар қўмиталари олдида муҳим устувор вазифалар турганлигини айтиб, уларни бажаришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, «Оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳит барпо этишда маҳалла ва хотин-қизлар ташкилотларининг ролини ошириш даркор. Бизда фуқаролик жамиятининг икки асосий бўғини — бу маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари бўлиб, улар ўзаро уйғунликда ҳаракат қилиши керак».

Йиғилишнинг кун тартибидеги биринчи масала бўйича Олим Хўжаев номли маҳалла хотин-қизлар комиссияси раисаси Қумри Ақромованинг ярим йиллик иш якунлари бўйича ҳисоботи тингланди. Шунингдек, маҳалланинг фаол аёллари ҳам сўзга

чиқиб, Фармон ижросини таъминлаш бўйича келгусидаги вазифалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Шундан сўнг, йиғилишда иккинчи масала — маҳалла хотин-қизлар комиссияси раислигига номзодлар аниқланди. Овоз бериш жараёнида икки номзод орасидан 70 фоиз овоз олган Қумри Ақромованинг номзоди муносиб топилиб, маҳалла хотин-қизлар комиссияси раисаси этиб қайта сайланди. Йиғилиш сўнггида Шайхонтоҳур туман хотин-қизлар қўмитасининг учинчи конференциясига делегатлар сайланди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда юқоридеги Фармоннинг амалдаги ижроси хотин-қизларнинг оилада ва жамият миқёсида ўз ақлий салоҳиятлари ва маънавий имкониятларини тўла рўёбга чиқариш, маънавий маданиятини кўтариш, оилавий спортни ривожлантириш орқали ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жамият тараққийида ҳар бир аёлнинг профессионал қобилиятларидан келиб чиқиб, унинг иқтидори ва меҳнатидан оқиллона фойдаланиш, хотин-қизларга хос тадбиркорлик кўникмаларидан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга жорий этиш ва бошқаларга қаратилган. Зеро, аёл билимдон бўлса — оила ҳам тинч, фарзандлар соғлом, ақли, муштақил ҳаётга тайёр комил инсон бўлиб вояга етадилар.

Айни кунларда жойларда маҳалла ва меҳнат жамоаларида хотин-қизлар бошланғич ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.

Дилором ИКРОМОВА

Коммунал ва қурилиш масалалари бўйича мажмуа йиғилишида айнан шу мавзуларга эътибор қаратилиб, тегишли тузилмалар ҳамда туман ҳокимликларига кузги-қишки мавсумга тайёргарликни тўлиқ ва вақтида амалга оширилишини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Капитал қурилишда таркибий ўзгаришлар давом эттирилишидан қатъи назар, бу борада изчиллик ва мутаносиблик таъминланмаётгани туфайли иқтисодиётнинг ушбу муҳим бўғинида ҳам ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар йиғилиб қолган. Жумладан, пудрат ишлари бозорида расмийлик муносабати давом этмоқда, нодавлат секторининг улуши пастликча қолаётир. Рақамлар билан айтганда, қурилаётган объектларда уларнинг иштироки 33 фоизни ташкил этади. Йиғилишда мулкчиликнинг турли шаклидаги субъектларнинг тендер савдоларига жалб этилишини фаоллаштириш, шунингдек таълим ва соғлиқни сақлаш объектлари қурилиши ва қайта таъмирланиши учун ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланишига назоратни кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

«Меҳр ва мурувват йили» дастурига мувофиқ ҳисобот даврида мақтабларнинг тубдан таъмирланишига белгиланган режадан 200 миллион сўмга ортқ — 1,5 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилишига эришилди. Ушбу маблағлар, албатта, янги ўқув йилида ўзлаштирилиши ва мақтаб таълимини ривожлантириш умумийлиги дастурига киритилган ўқув муассасаларида аксини топиши шартдир. Лекин давлат санита-

рия-эпидемиология назорати маркази таҳлилларига асосан шуни таъкидлаш лозим.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида**МАЖМУАЛАР
САРҲИСОБИ**

Тошкент шаҳар ҳокимлигида 2004 йилнинг биринчи ярим йиллиги бўйича мажмуалар ҳисоботлари тингланди.

Айни кунларда ёзининг чилла мавсуми бўлишига қарамастан шаҳарда қишга тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Тошкент шаҳар худудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси маълумотларига қараганда, бугунги кунга қадар барча қозонхоналар профилактика кўриқдан ўтказилган, жоиз бўлганларида таъмирлаш ва тубдан таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Бироқ айрим туманларда иссиқлик тармоқларини таъмирлаш ва иситиш тизимларини ювиш бўйича белгиланган вазифалар бажарилишида оқсалиш мавжудлиги аниқланган. Жорий йилда тўлиқ таъмирланиши режалаштирилган кўп қаватли уй-жойларнинг фақат 74,5 фоизи қишки мавсумга тайёрланган. Уй-жой фондида айнаник-са совуқ сув тизими бўйича ўлчов асбобларини ўрнатгиш масаласида ҳануз олдинга силжишлар кузатилмаган. Шунингдек, коммунал хўжалигида лифтларни таъмирлаш масаласи муаммолигича қолмоқда.

лозимки, ҳали қўллаб мақтабларда янги йили ва қишки мавсумга тайёргарлик ишлари талаб даражасида эмас, жумладан, иситиш ва санитария тармоқлари, спорт заллари ва майдончалари, ошхоналар таъмири умумтаълим муассасаларининг 35-40 фоизидега бажарилмаган. Шу каби камчиликлар ўрта махсус ўқув юртлари негизидеги ётоқхоналарга ҳам тааллуқлидир.

Юқоридегиларни инобат олган ҳолда иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича мажмуа йиғилишида мутасадди ташки-

лотлар ва тузилмалар томонидан халқ таълими ва ўрта махсус ўқув юртларини

нинг даромад қисми 101,6 фоизни ташкил этди. Ҳисобот даврида 30 фоизга кўпроқ товар ва хизматлар экспорт қилинди. Жалб этилган инвестициялар ҳажми икки бараварга, шу жумладан хорижий сармоялар — 40 фоизга ошди.

Лекин тузилмалар кесимида оладиган бўлсак, саноат маҳсулотлари, шунингдек халқ истеъмолчи молларининг айрим турларини ишлаб чиқаришда сурункали оқсалиш вужудга келган. Давлат маҳаллийлаштириш дастурининг бажарилиши ҳам талабга жавоб бермайди. Ушбу лойиҳада иштирок этувчи 14 та корхонадан фақат тўрттаси белгиланган вазифаларни тўлиқ бажарган. Мажмуалар йиғилишида шунингдек, корхоналарнинг дебитор, кредитор қарзлари кўриб чиқилди, айрим хўжалик раҳбарларининг бозор иқтисодиёти шароитларига хануз мослаша олмаётгани ва ташаббускорлик билдирмаётганини кўрсатиб ўтилди ҳамда туман ҳокимликлари жойлардаги мутасадди комиссияларга баъзи корхона ва ташкилотларнинг молиявий ва бошқа долзарб масалаларини барқарорлаштириш борасида масъулиятни кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги бўйича ҳисобот йиғилишлари шунингдек, **жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар** ҳамда **оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мажмуалари** доирасида ҳам бўлиб ўтди. Уларнинг кун тартибидега «Меҳр ва мурувват йили» дастури бўйича амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Ильмира
ЗАЙНУТДИНОВА

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб домо бўлур...

● Халол яшаганингни билиб турсанг, ҳаёт нашъали ва осон туюлади.

● Бир умр бахтли бўлишни истасанг халол одам бўл.

ХИКОЯТ. Бир кекса доно оқил киши кўй харид қилиш учун мол бозорига борибди. Ҳаммаёқ тумонот, қадам бошига жой йўқ. Ҳар ерда даллоллари «бор баракка» қилаётган бақирик-чақириклари. Отаҳон бозор шов-шувидан боши айлиб бир четда турса ёшгина йигит бир кўйинг бошвоғидан тутиб турганмиш. Унга аста яқинлашиб сўрабди:

— Кўйингни сотасанми, ўғлим?

— Сотаман, отахон.

— Савдосини келишаск, мен олиб кетай шу кўйни.

— Қани, мўлжаллингизни айтиб кўрингчи, — дебди йигит жилмайиб.

Қария оғиз очишга улгурмай ён-атрофдаги даллоллар савдони пишитишга киришиб кетишди.

— Вазни 35 ни босади, чамамда, — дебди улардан бири. Бошқаси 40 килограмми тахминлабди. Хуллас, улар ҳар иккала оғирлик ўртасидан келиб чиқиб, кўйни баҳолашган экан, сотувчи:

— Йўқ, сизлар янглишдингиз, кўйининг вазни роса 31 килограмми босади, — дебди.

Ўзининг зиёнига юраётган лақма сотувчини кўрган даллоллар:

— Хов бола, адашма ҳар кун бозорда юрган биз биламизми ёки бу ерга оғиз-ёзиб бир келадиган сен биласанми, — дейишса, йигит:

— Анигини мен биламан. Сабаби бозорга келишдан олдин кўйимни катта тарозига чиқариб тортиб кўрганман, — дебди.

Ландовур сотувчидан бир иш чикмаслигини билган даллоллар кўл сийлаб нари кетишибди. Лекин бу йигитнинг бу гапи кўпни кўрган кекса харидорни ўйлантириб қўйибди. Шунда у йигитга қараб:

— Тирик вазнда кўйни тортиб сотишингни боиси нима, ўғлим? Агар кўзбўямачи ёки ҳасис бўлганинга даллолларнинг галига кириб, кўйингни вазини ошириб сотиб юборган бўлардинг. Бу ўзингга фойда эди. Лекин сен ундай қилмай ҳалоллик йўлини тутдинг, — деган экан, йигит жиддий:

— Ҳаётда ҳеч бир нарса исзисиз қўлмайди. Қачондир бир кун унинг жавоби бўлади. Шунинг учун бировнинг ҳақи менга ўтиб охир-оқибат жавобгар бўлмай, менинг ҳақим ўзгаларга ўтиб, уни беҳуда жавобгар қилмай деган максатда савдосотиқдан олдин ҳамма нарса-ни тарозиде тортиб, кейин сотаман.

Отахон йигитнинг бу гапига тан бериб, унга тасанно айтибди. Кейин эса ҳеч бир даллолсиз бу ҳалол, покиза йигитнинг оғзидан чиққан нархига кўйни сотиб олибди.

Албатта, бу қиссадга керакли ҳисса чиқариб ҳар кимнинг ўз ҳукмига ҳавола.

Байт:
Дунёда қолдим,
кўрмаган нарсам,
Кўрдим деб гердайма,
не кўрганинг — кам.
Бир одам қалбини
овлай олдингми?
Инсоннинг қалбидан
борми кенг олам.

Аслида бу асарларнинг бош ижодкори Наби Ғаниев бўлиб, у махсус кино олийгоҳида таълим олмаган, лекин зехни ўткир бу йигит учун студия, суратга олиш майдончаси ижод мактаби бўлган. Малакали, донишманд устоз унга йўл-йўриқ кўрсатмаган, лекин бу тиниб-тинчимас йигит гоҳ мўйқалам, гоҳ оддий қалам олиб машқ қилиши давларида кино санъатининг синтетик табиатини сезган, чуқур идрок этган ва асарларида аввало тасвир, портрет, даврий изчиллик тамойилларига риоя этилгани ҳолда монтаж қилинган кадрларнинг динамики композициясида катта сир борлигини англаган. Энг муҳими, афсона, ривоят, латифа, мусика дурдоналарини кадрлаган, мумтоз шеърятимиздан ҳайратга келиб ўзи ҳам дурустгина ғазаллар битган, халқ театри кўринишлари кинога хизмат қилиши муқаррарлиги ҳақида фикр юритган бу шахс миллий асар яратишга қодир эди. Қалбида, қонида бўлган миллий гурур бадий ижодда ўзининг ёрқин ифодасини топишида Наби аканинг Абдулла Қодирий билан Тошкентда ва Москвада тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб тургани, Ғулум Зафарий билан куй сирлари, шакллари тўғридан-тўғри юракка таъсир этиши сабаблари ҳақида мулоҳаза қилишлари, Яхё Ғулум билан узок ўтмиш манзараларини ўрганишлари, Зиё Саид билан драматургия, Мирзақалон Исмоилий билан наср, Собир Абдулла билан сўз ва мусика тароналари, Хушрўй Ҳасанова билан сержилло бўёқларнинг эстетик имкониятлари ҳақида фикр алмашгани ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган.

Унинг қаҳрамони Дилбар (Ю.Ризаева, «Фаргона қизи» 1948 й.) «Тановар»ни айтиб лирик кайфиятини, ёрига бўлган садоқатини билдиради. Яна бир қаҳрамони — Ҳўжа Насриддин (Насриддин ҳақидаги фильмлар, 1943-1946 йиллар) «Ёрим кетаман дейди» ашуласини айтиб қувноқ кайфиятини билдиради, Жаббор ота эса («Фаргона қизи») фарзандини, оиласини соғинганида «Ушшоқ»нинг сўзи, куйи унинг маънос кайфиятига «жўр» бўлади. Бундай бадий муаммоларнинг ечимини топиш ва қўлаш яқин ўтмишда осон бўлмаган. Мақомни тан олмаган, аниқроғи, уни таъкиқлаганлар кўп эди.

Танбур «эскилик қолдиғи» сифатида оркестр, ансамблдан чиқарилган, мавлоно Навоий асарлари қисқартирилиб чоп этилган, мерос, миллийлик ҳақида фикр юритиш, сўзлаш миллатчиликда айбланишга олиб келарди. Наби ака эса ўн икки ма-

ган «Биз енгамиз» (1941 й., июль ойи) киноновелласида режиссёр ўзбек халқ мақолларидан, куйларидан, поэтик тажрибасидан фойдаланишга интигани ва жанговар асар яратгани жасоратнинг ўзгинаси эди. Бир неча ҳафтада суратга олинган, сўнгра озгина ўтмай монтаждан чиққан бу асарнинг шижоатини, образларини ўзга юртга кўчириб бўлмайди. Унда қаҳрамон ва муҳит бир-бири билан боғлиқ бўлди, ҳар бир кадрда ўзбекнинг фазилати тараннум этилди, — дейди.

Бу гал ёш рақоса роль ўйнади. «Фаргона қизи»да рақс ҳам ташти, Дилбарнинг дугонаси сифатида намоён бўлди.

Наби Ғаниев ҳалқ озаки ижодий руҳидан келиб чиқиб, куйни сюжет йўллари билан, рақс-ни қаҳрамоннинг руҳий ҳолати билан, ашулани муайян кадрда ифода этилиши лозим бўлган кайфият билан узвий боғланган ҳолда кўрсатди, эшиттирди. Шу боис унинг бадий фильмларида сюжет ўз ривожига бўлган қўлиб, концерт бошланиб кетган ҳоллар бўлмади. Куй, рақс, ашула—буларнинг ҳар бирида маълум драматургик «юк» бўлди. Зеро, Н.Ғаниев меросдан ўрганди, бой бадий тажрибадан янги — кино санъати талабидан келиб чиқиб фойдаланди. Шу боис унинг фильмлари халқчил бўлди. Танланган бадий шакллар гўзал, қизиқарли, содда, раван бўлди. Юксак ғояларнинг экрандаги ифодасини таъминлаш йўлидаги изланиш «Тоҳир ва Зухра», «Насриддиннинг саргузаштлари» каби дурдоналари — миллий кино асарларининг пайдо бўлишига олиб келди. Шунинг алам билан таъкиқлаш мумкинки, ўз вақтида шундай санъаткорнинг кадрга етишмади. Унинг асарларини собиқ иттифоқнинг бош газеталари ҳеч бир асосиз танқид қилмавердилар. «Алломиш» тасмасини яратмоқчи бўлди. Ижозат бермадилар... Умрининг охирида фильмларни дубляж қилиш, ҳужжатли асарларни суратга олиш билан шугулланиб, вахланган, унинг режислари катта эди. Миллий кино асарларини ва унга астойдил хизмат қила оладиган ёш ижодкорларни тарбиялашдек олижаноб ниятлари бор эди.

Ҳамидулла АКБАРОВ

Наби Ғаниев таваққулини
100 йиллигига

РЕЖИССЁРНИНГ ЗАКОВАТИ

Миллий кино намуналари ҳақида гап кетганда кўпчилик «Тоҳир ва Зухра», «Ҳўжа Насриддин» фильмларини дарҳол тилга олади. Кекса авлод, кино мутахассислари бу рўйхатга «Фаргона қизи» (1948), «Рамазон» (1932), «Йигит» (1935) тасмаларини қўшадида, миллийлик дўппи, тўн, атлас, ташқи кўринишда эмас, ўзига хос характерда, воқеа ҳамда унга бўлган муносабатда, таомил ва унинг бадий талқинида кўзга ташланганини завқ-шавқ билан айтиб беради.



қомнинг биринчиси бўлмиш «Қаро кўзим» («Ушшоқ»)ни ўз асари тўқимасига киритишга журъат этган, «Гиря»ни шоғирдларига айттириб завқ, илҳом олар, ўйин баётини чалдириб Галия Измайловани рақсга чорларди. Бу хусусда гап кетганда Галия опа: «Наби Ғаниевич рақсини севар, ундан кинода фойдаланишга интилар эди. Ун олти ёшимда — эндигина балетга қизиқиб дарс олаётганимда — мени суратга олиш майдончасига таклиф этган ҳам Наби ака бўларди. 1941 йилнинг оғир ёз ойларида суратга олиниб дарҳол экранга чиқарил-

санъаткорнинг кадрга етишмади. Унинг асарларини собиқ иттифоқнинг бош газеталари ҳеч бир асосиз танқид қилмавердилар. «Алломиш» тасмасини яратмоқчи бўлди. Ижозат бермадилар... Умрининг охирида фильмларни дубляж қилиш, ҳужжатли асарларни суратга олиш билан шугулланиб, вахланган, унинг режислари катта эди. Миллий кино асарларини ва унга астойдил хизмат қила оладиган ёш ижодкорларни тарбиялашдек олижаноб ниятлари бор эди.

«Қамолот»

ТУМАНЛАР ЯНГИЛИКЛАРИ

Яқинда Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида эркин мавзуда қозғоғга расм чизиш акцияси бўлиб ўтди.

Унда 100 дан ортқ бола-жонлар иштирок этиб, «Қамолот» ЁИХ Ҳамза туман бўлими томонидан тайёрланган бири-бирдан бежирим совғаларга эга бўлишди.

«Қамолот» ЁИХ Ҳамза туман бўлими Кенгаши томонидан туманда жойлашган «Авиасозлар» маданият саройида «Гиёвандлик ва СПИДга қарши кураш» мавзусида катта тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда туманда жойлашган 42 та маҳалла вакиллари иштирок этишди.

Бектемир туманида жойлашган «КРИДИ» клубида ногирон болалар учун хайрия тадбири ўтказилди.
«Қамолот»чилар бири-бирдан ранг-баранг ва жуда қизиқ байрам дастурини намойиш этишди. Тадбир охирида эса болажонлар учун махсус тайёрланган совғалар ҳамда ширинликлар улашилди.
Яна шу туманда жойлаш-

ган «Бинокор» маҳалласида Меҳр ва мурувват йилига бағишланган тадбир ўтказилди.

Шу тадбирда бадий чиқишлар намойишидан ташқари яна спорт мусобақалари ҳам ташкил қилинди. Тадбир охирида болажонларни хурсанд қилиш максатида совғалар улашилди.

Шу туманда жойлашган «Қуёшча нури» майдончасида катта шоу марафони бўлиб ўтди.

Қизқаркли бадий чиқишлардан ташқари ушбу тадбирда теннис, волейбол каби спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Барча иштирокчилар ва голибларга «Қамолот» ЁИХ Бектемир туман бўлими Кенгаши томонидан тайёрланган совғалар топширилди.

Юлдузхон ИБРАГИМОВА, «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ижодий ходими.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги 13 та гўдаклар уйида мингга яқин чақалоқ давлат васийлигида тарбия олмақда.

БОЛАЛАР СОҒЛИГИ ДАВЛАТ ЭЪТИБОРИДА

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, ўтган йили мазкур гўдаклар уйларида 554 нафар чақалоқлар олиб чиқилган. Хусусан, улардан 309 нафари ота-оналарига қайтарилган, 148 нафари фарзандликка олинган, 31 нафари Меҳрибонлик уйларига ҳамда 31 нафари махсус интернат муассасаларига ўтказилган. Гўдаклар уйларида тарбияланаётган болаларнинг умумий касалланиши ўтган йили 1317 промиллени ташкил этди. Болалар ўртасида тарқалган касалликлар орасида кўпроқ камқонлик, овқатланишнинг гипотрфия кўринишидаги бузилишлари учрамоқда.

Шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳаси меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган етимлар ва ота-она васийлигидан маҳрум болаларга тиббий хизматлар кўрсатмоқда. Жумладан, меҳрибонлик уй-

ларида тарбияланувчи 3746 нафар боладан 3650 нафари тиббий кўридан ўтказилди. Тиббий текширув чоғида уларнинг 62 фоизиде темир, йод моддалари ва А витамини етишмаслиги аниқланди. Шу боис аксарият болаларда бўқоқ, гипотиреоз, жисмоний ривожланишнинг орқада қолиши ва камқонлик кузатилди.

Болаларнинг саломатлигини баҳолашда юрак қонтомир, нафас олиш, ҳазм қилиш аъзолари ва буйрақнинг аъволига жиддий эътибор қаратилди.

Айни пайтда республика-миздаги мавжуд 108 та болалар интернатларида ўттиз мингга яқин ногиронлар даволаниб тарбияланмоқда. Мазкур муассасаларда 200 нафар шифокорлар ҳамда 400 дан зиёд тиббий ҳамширалар болалар саломатлигини муҳофаза қилмоқда.

А.АРСЛОНОВ,
«Туркистон-пресс»

Қаз-қаз

БАРЧА ЛОЛ ҚОЛДИ

Баъзан одамлар қизларини турмушга чиқарадилар-у, қизлари арзимаган баҳона сабабли эрлари билан жанжаллашиб, аразлаб, ўз уйларига қайтиб келадилар. Бу воқеага ота-онани юзаки қараб, дарров куйёв-келиндни ажрим қилиб қўядилар. Натижада қиз бахтсиз бўлиб қолади. Юсуфжон қизикнинг бошига худди ана шундай кўргулик тушган икки дўсти бўлиб, бир кун улар бозорда учрашиб қолишди. Дўстлари Юсуфжон қизикқа ўз дардларини сўйлаб турганлариди, уларнинг рўпарасидан катта ит ўтиб қолибди. Юсуфжон қизик дарров итга эгилиб салом берибди. Дўстлари ҳайрон бўлиб: «Ия Юсуфжон! Нега итга салом берасиз?» деб сўрашибди.

Шунда Юсуфжон қизик «Кизимиз турмушга чиққан маҳалланинг итлари бўладилар», — деб жавоб берибди...

БОЙ УЙЛАНДИ

Хасан Охунбой қўшни шаҳардаги Марайимбойнинг қизига уйланишга қўшилди, Юсуфжон қизикни совчиликка юборибди. Юсуфжон қизик Марайимбойни кизига бориб, мақсадни айтди.

— Бой почта каминалари мулаҳазасиз Хасан Охунбойдан элчи бўлиб келганман. Элчига ўлим йўқ, деганлар. Рухсат этсангиз, у ҳазратнинг илтимосларини баён қилсам.

— Марҳамат, — деди бой, — у ҳазратнинг ҳар қанча илтимослари бўлса, бажо келтиришга ҳозирман.

Юсуфжон қизик бўялган тароғини тараб, ерга қаради. — Хасан Охунбой ҳазратларини онангизга бирор танмаҳрам топиб, бош қўштириб қўйиш сизнинг фарзандлик бурчингиз, албатта. Шу боисдан агар рози бўлсангиз, бой онангизга уйланишга тайёрман.

Марайимбой аввалга ҳайрон бўлди. Ахир онаси Хасан Охунбойдан бир неча ёш каттакули. Бой, бу ҳам Оллохнинг иродаси бўлса керак, деб ўйлади ва розилик берди. Тўй кўни белгилади. Хасан Охунбой қарнай сурнай билан Марайимбойнинг кизи ўрнига онасини олиб кетди.

ТАНДИР КИЙДИРИШ

Юсуфжон қизик Езёвондаги тўйларда беш-ўн кун юриб, чарчаб, Марғилонга қайтиб келаётганда йўлда тўралар йўлини тўсди:

— Эрта туриб, индинга тўранинг тўйини ўтказиб кетасан, — дейишибди.

Юсуфжон ақанинг қолгиси йўқ экан. Бироқ тузукрок баҳона тополмабди. Ахирги «Ҳеч бўлма-са, уйга бориб, уст-бошимизни алмаштириб келайлик», дебди деди. Катта тўра рози бўлибди. Лекин Юсуфжон акага ишонмай, ёнига хизматкорларидан бирини қўшиб берибди. Хизматкор эса нима учун кетаётганини билмас экан.

Юсуфжон қизик Марғилонга етиб келганда, икки пешлик тандирни олиб, Катта тўранинг хизматкорларига кийдирибди-ю: — Тақсиримга уар айтгин, тўрт пешлиги йўқ экан де, — дея тайинлабди. Бу «тўйингдан воз кечдим, тўра» дегани экан.

Хизматкор тўранинг олдига борганда, у юз берган воқеани тушуниб, «Сенга тандир кийдирибди-да», деб сўхибди.

Хамон Республикамиз пойтахти худуди-га чет давлатларда ишлаб чиқарилган ноқонуний товарларнинг кириб келиши ҳолатлари Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари томонидан қайд этилмоқда. Негаки Тошкент шаҳри қўшни давлатларнинг биронтаси билан chegarados эмас, шунда бўлсада шаҳар худудида миллион-миллион сўмлик ноқонуний товарларнинг айрим тadbirkорлар томонидан савдога қўйилаётган ҳолатлари тез-тез аниқланмоқда.

Яқинда ҳаюотларимиздан бири пойтахтимизнинг Шимолий вокзал рўпарасида жойлашган «Истиқлол» дўконига кириб, дўкондаги хорижда ишлаб чиқарилган «импорт» маҳсулотларни кўриб хурсандчилигини кимга айтишини билмай, Тошкентда нима кўп, бозор кўп бўлса, бозорма-бозор кезиб юраманми, сифатсиз маҳсулот харид қилиб қолсам кейин кимга айтаман, яхшиши шу ердан ола қолай деб хаёл сурган шекилли, дўкон сотувчисининг «Келинг, сизни нималар қизиқтиради», деган сўзи ёқиб тушди. Гангиб қолган харидорнинг

қўзига шу он кўзни қамаштириб турган чинни буюмлар қақнаб кўринди ва улардан харид қилишга қарор қилди. Бир неча турдаги чинни буюмларни танлаб дўкон сотувчиси билан ҳисоб-китоб қилган вақтда доно халқимизнинг «Ўзингга эҳтиёт бўл...» деган нақли ёдига тушиб қолди. «Укаҳон, мана шу харид қилинган нарсалар учун сифатини тасдиқловчи сертификатини ҳам қўшиб бера қол», деган эди, сотувчи ер чиизиб қолди. Шундан кейин даргазаб бўлган харидор Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармасига муурожаат қиладди. Олингн тазор маълумотга асосан бошқармада тезкор ғуруҳ тузилиб ҳолат ўрганилди. Унга кўра Миробод тумани, Туркистон кўчаси, 12-уйда жойлашган «Истиқлол» дўкониде фаолият юритаётган «Бек Абдулазиз» хусусий корхонаси ва «Малхам Сервис» масъулияти чекланган жамиятига қарашли дўконларда ўтказилган текширувларда «Бек Абдулазиз» хусусий корхонаси-га қарашли дўкон сотувчиси Абдуҷалил Қодиров харидорга чинни буюмларни 70 минг сўмга сотиб, харидор харид қилган товар маҳсулотлари учун сифатини тасдиқловчи сертификатни бермаганлиги аниқланди. Дўконда савдога қўйилган чет элда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни «Бек Абдулазиз» хусусий корхонаси дўкони мудир Маҳаммадҷон Сулаймонов томонидан нақд пулга фуқаролардан тегишли ҳужжатлари ва сифатини тасдиқловчи сертификатлари ҳамда боҳжона юк декларациялари бўлмаган ҳолда 20 миллион 151 минг 100 сўмлик сотиб олганлиги ва корхона бухгалтерия ҳисоботларига кириб қилмасдан қайта сотиб келинаётганлиги аниқланди.

«Малхам Сервис» масъулияти чекланган жамиятига қарашли озиқ-овқат дўкониде эса дўкон сотувчиси Шухрат Турсунов харидорга сизими 1,0 литр бўлган 2 дона

«Добрый» шарбатини 2500 сўмга сотиб, назорат-касса машинасидан харид чеки уриб бермаган. Озиқ-овқат дўконининг савдо заллари ва омборхоналари кўздан кечирилганда корхона раҳбари Улугбек Ҳақимов нақд пулга фуқаролардан тегишли ҳужжатлари ва сифатини тасдиқловчи сертификатлари бўлмаган, умумий қиймати 1.072.550 сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган кофе маҳсулотларини сотиб олиб, бухгалтерия ҳисоботларида кириб қилмасдан қайта сотиб келаётганлиги аниқланган. Текширув давомида «Малхам Сервис» масъулияти чекланган жамиятининг дорихона ва озиқ-овқат дўконидан корхонага кириб қилинмай, бухгалтерия ҳисоботларида

Солиқ

ҲИСОБДА ЙЎҚ МАҲСУЛОТЛАР

ёҳуд яширин иқтисодийёта барҳам бериш юзасидан ўтказилаётган текширувлар натижалари

кўрсатилмаган 12 миллион 742 минг 131 сўмлик товар моддий бойликлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. «Малхам Сервис» масъулияти чекланган жамияти ва «Бек Абдулазиз» хусусий корхонасига қарашли дорихона ва дўконлардан умумий қиймати 32 миллион 893 минг 231 сўмлик маҳсулотлар олинди.

Шу кун Собир Раҳимов тумани, Қорасарой кўчасида жойлашган «Қорасарой-Бахт» хусусий корхонасига қарашли савдо мажмуасида ўтказилган текширувда хусусий тadbirkор Абдусамат Абдураҳимов юқоридеги савдо мажмуасининг бир неча бўлимлари ижарага олиб, фуқаролар Муаттар Юсупова, Жамшид Шоқиров ва Равшан Мусаевлар билан ноқонуний равишда меҳнат шартномаси тузган ҳолда аҳолига савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиб келаётганлиги аниқланди. Текширувда улар томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларининг қўпол равишда бузилаётганлиги маълум бўлди.

Жумладан, қандолат маҳсулотлари бўлими сотувчиси Муаттар Юсупова харидорга умумий қиймати 12000 сўмлик қандолат маҳсулотларини сотиб, дўконда мавжуд бўлган назорат-касса машинасида чек уриб бермаган. Назорат-касса машинасида қандали ҳисоботлар олинди, савдодан тушган нақд пуллар касса китоблари билан солиштирилганда сотувчи Муаттар Юсупова савдодан тушган 14300 сўм нақд пулни назорат-касса машинаси хотирасига кириб қилмаганлиги аниқланди. Шунингдек, «Аралаш моллар» бўлими сотувчиси Жамшид Шоқиров томонидан қунлик савдодан тушган 89688 сўм, «Ўшт ва сут» бўлимида эса сотувчи Равшан Мусаев томонидан 101465 сўм нақд пуллар касса машинаси хотирасига кириб қилмаганлиги ҳам маълум бўлди. Текширув давомида хусусий тadbirkор Абдусамат Абдураҳимовга қараш-

ли савдо бўлимларида сотувга қўйилган ҳамда омборхоналарда сақланаётган маҳсулотлар кўздан кечирилганда умумий қиймати 16089011 сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган, Республикамиз худудига қонуний тартибда олиб кирилганлигини тасдиқловчи боҳжона юк декларацияси, сифат сертификати, кириб қилмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари мавжудлиги аниқланиб, ушбу маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. «Қорасарой-Бахт» хусусий корхонасига қарашли «Нон» ҳамда «Вино ва арок» маҳсулотлари сотиш бўлимларида ўтказилган текширувларда «Нон» маҳсулотлар сотиш бўлими сотувчиси Оксана Алиева қунлик савдодан тушган 24205 сўм нақд пуллари назорат-касса машинаси хотирасига кириб қилмаганлиги аниқланди. «Вино ва арок» маҳсулотлари сотиш бўлимида ҳам жами 2 миллион 20 минг 800 сўмлик тегишли ҳужжатлари бўлмаган, (шундан 1 миллион 167 минг сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган) Ўзбекистон Республикасида жорий қилинган акциз марказлари бўлмаган спиртли ичимликлар савдога қўйилганлиги аниқланди ва олиб қўйилди.

Ўтказилган текширувлар давомида «Қорасарой-Бахт» хусусий корхонаси ва хусусий тadbirkор А. Абдураҳимовда умумий қиймати 18 миллион 829 минг 811 сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган, Республикамиз худудига қонуний йўл билан олиб кирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари мавжудлиги аниқланиб, ушбу товар-моддий бойликлар мусодага қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари талаблари ижросини таъминлаш юзасидан Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган юқоридеги тadbirkорлар давомида ҳуқуқбузарлардан 51 миллион 723 минг 42 сўмлик, жорий йилда 1421 ҳолатда 5 миллиард 178 миллион 420 минг сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган, Республикамиз худудига қонуний тартибда олиб кирилганлигини тасдиқловчи боҳжона юк декларацияси, сифат сертификати, кириб қилмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари олиб қўйилиб, ҳолатлар юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Шу ўринда бир нарсани жуда таъкидлаб ўтишни истар эдикки: халқимизда «Кингир ишининг қийми кирқ йилда ҳам ошқор бўлади», деган доно нақл бор. Эл-юрт нонини туя қилаётган, ҳаром луқмани қилт этмай ютаётганлар барибир, эртани-кечми жавоб берадилар. Қўннинг ҳақи ҳеч қачон юқмайди. Хулосани эса ўзининг чиқариб олинг.

Қиёмиддин ТОШМУРОДОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси катта инспектори.

Кўргазмалар

АМАЛИЙ БЕЗАК САНЪАТИ

Ўзбекистон Бадий академиясининг Замонавий санъат марказида «Амалий безак санъати усталари» деб номланган кўргазма очилди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу кўргазмадан Ўзбекистон амалий санъати ривожига катта ҳисса қўшган сулолавий халқ амалий санъати усталари Х.Сатимов, Р.Матҷонов, Қ.Ҳайдаров, С.Рақова, К.Заршқикова ва Н.Нам асарлари ўрин олган.

Амалий безак санъати маҳаллий халқ усталарининг каштачилик санъати, сирланган гулдор сопол буюмлар, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик асарларида ўз аксини топган ва ҳаётимизнинг ажралмас бир қисмига айланган борган. Айниқса, республикамиз бўйлаб ёғоч ўймакорлиги, ганҷкорлик, наққошлик, қуллочилик, тўкувчилик ва каштачилик каби амалий безак санъати тарқалган. Ҳозирда халқ амалий санъати усталарининг сулолалари уларнинг касбларини давом эттириб, самарали фаолият олиб бормоқдалар.

Кўргазмада намойиш этилаётган Ҳаким Сатимов, Р.Матҷоновларнинг икки қатлами нақш туширилган кенг

ясси ичи чўқур идишлар — ликобча, коса, чойнак ва бошқа ижод намуналари киши эътиборини ўзига тортади. Бу ижодкорларнинг аксарият асарлари сопол идишлардир. Ўзбекистондаги энг машҳур ёғоч ўймакор усталаридан бири Қодиржон Ҳайдаров ёғоч ўймакорлик мактабининг ёрқин вакили ҳисобланади. У ўймакорлигининг барча турларини, жумладан терма ўймакорлик техникасини эгаллаган. Шунингдек, халқ амалий санъати ривожига, халқ санъатини тарғиб қилишга катта ҳисса қўшган усталар Софья Рақова, Клаватина Заршқикова ва Николай Намнинг ижоди алоҳида ажрალიб туради. Бу усталар томонидан аънанавий нақшлар қўлланилиб, асарларнинг композицион ечими бойитилди.

Кўргазмадан 60 дан ортиқ халқ амалий безак санъати намуналари ўрин олган.

Олдуз РИЗАЕВА

“ИШЛАБ ТОП!”

Жаноб тadbirkорлар ва муҳтарам корхона раҳбарлари!

Биз наққош, наққорлар, ғайратта тўз ёлғирлар. Бизга фойда Сизнинг таъбири ва қўлчангиз етказилганда.

TOSHKENT SHAHAR VOIMI AMOLOT

Тошкент шаҳар “КАМОЛОТ” таъдбиркорлорго “Ишлаб топ” иктамий акциясида фойда иштирок этиб, ишлар учун масъулий иши ўринларини тошдан этатишни таълиф қиладди. Қунича маълумотларини

137-72-20, 137-72-21

телефон рақомлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин. Ёки ушбу вебсайтдан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

www.tashkentkamolot.uz
www.2oxygen.com
www.kvn.uz

Акцияда қатнашган таъдбиркорларга “Тасвир” нашрият унинг барча нашрларида рекламга жойлаштириш учун ниқейлдор берилади.

Спорт

КЕМАМОДЕЛЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Франциянинг Чатолин шаҳрида спортнинг кема-модель тури бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати ниятисига етди.

Гарчи юртимизда денгиз бўлмаса ҳам, спортнинг ушбу тури бўйича жаҳоннинг манамен деган спортчилари билан беллашган Ўзбекистон Мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг кемамоделчилари 2 та олтин, 1 та кумуш медалга сазовор бўлиб, муҳлислар ва мутахассислар кўнглини хушнуд этдилар.

Жаҳон чемпионатининг олтин медалларини ҳамшаҳарларимиз — халқаро тоифадаги спорт усталари Шавкат Исмаилов ва Андрей Разумовскийлар кўлга киритган бўлса, Андижон шаҳрилик Марат Халимзаювга кумуш нишон насиб этди.

ҚИЛИЧБОЗЛАР КУЧ СИНАШДИ

Хитой Тайпейда қиличбозлик бўйича қитъа чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.

Унда қиличбозликнинг учта тури бўйича юзга яқин спортчилар галаба учун кураш олиб боришди. Мамлакатимиздан 16 ёшгача бўлган қиличбозлар шпига бўйича беллашуларда иштирок эттишди.

Шундай бўлса-да, ёшларимиз Осиё чемпионатида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Жумладан, Павел Орлов бронза нишонини кўлга киритган бўлса, Владислав Дашевский ва Сергей Филипповлар бешинчи ва олтинчи ўринларни эгаллашди. Бу натижалар мамлакатимиз вакилларининг умумжамоа ҳисобида бешинчи ўринни банд этишларига имкон яратди.

НОДИРА ТОЛИПОВА



Бу кўҳна дунёда болалар шодлигидан, юзидagi табассумидан, шўху шодон кийкириғу, жарангдор овозидан ёқимлироқ нарса йўқ. Чунки болалар бизнинг борлиғимиз, умримиз мазмуни, ҳаётимиз шамчирокларидир. Улар билан олам гўзал, борлик чароғон.

Ёз - қўтмоқда соғ!

БОЛАЛИГИМ БОЛДАЙ ШИРИН

Ҳозир айнаи ёз фасли — болалар таътилга чиқиб мазза қилиб дам олмоқдалар. Бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказишлари учун нанкин пойтахтимиз Тошкентда, балки республикамизнинг турли гушаларида оромгоҳлар, сихатгоҳлар ишлаб турибди.

Куйида шахримиздаги «Трамвайчи» болалар оромгоҳи ва унда яйраб-яйшаб дам олаётган болажонларимиз ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Оромгоҳ номидан ҳам билиниб турибдики, бу маскан болаларга бир олам ором бағишловчи гўша. 50 йилдирки ўз бағридан ёшларга жой бериб, уларнинг кўнглини дам олишларини таъминлаб келмоқда.

1953 йилдан буён яхши ниятлар билан фаолият юритаётган «Трамвайчи» оромгоҳи «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компаниясига қарашли бўлиб, ҳар йили ёз мавсумида бу ерда 1000 дан ортққ 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар хордиқ чиқаришади.

Оромгоҳ 300 ўринли ошхонага, спорт зали ва майдончасига эга. Шунингдек, болаларнинг илм дунёсини бойитиш мақсадида 800 китобга эга бўлган кутуб-

хона фаолият кўрсатмоқда. Шахмат, шашка, тикиш-бичиш, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш тўғрараклари ҳам болажонларнинг қизиқишларини ҳисобга олиб ишлаб турибди. Инглиз тилини ўрганувчиларга ҳам оромгоҳда тегишли шароитлар яратилган.

10 корпусдан иборат бу масканда 12 етакчи, 10 та тарбиячи ва бир қанча ходимлар болалар хизматиға шай.

— Бу йилги мавсумимиз 11 июндан бошланди, — дейди биз билан бўлган суҳбатда оромгоҳ бошлиғи Гулнора Музаффарова. — 11 июндан 1 июлгача бўлган биринчи ойда 350 нафар бола мароқли дам олиб қайтди. 7 июлдан бошланган иккинчи мавсумда эса 370 нафар бола кўнглини дам олмоқда. Август ойида ҳам дам олувчи болаларимиз сони 300 дан ошиб қолиши аниқ. Биз учун энг муҳими, болалар юзидagi кулғу, уларнинг саломатлигидир.

Дарҳақиқат, оромгоҳда болалар учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Ҳар кун турли хил ўйинлар, спорт мусобақалари, қўшқ ва шериғи кечалари бўлиб ўтмоқда. Эл севган ёзувчи ва шоирлар, истеъдодли санъаткорлар ҳам тез-тез бу дар-

гоҳга келиб болалар кўнглини хушнуд этиб кетишади.

Оромгоҳда турли миллат болалари, кам таъминланган оилалар фарзандлари, хуллас, келажагимизнинг порлоқ юлдузчалари дам олмоқдалар.

Биз бу ерда ором олиб яйраётган болаларнинг файзли маскан ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.

Азиз РУСТАМОВ, 13 ёш:

— Мен бу ерда мазза қилиб дам оламан. Куни кеча юртимиз фахри бўлган шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам ака Қосимжонов ғалабасига бағишлаб спорт мусобақаларини ўтказдик. Мен оромгоҳ болалари ичда 1-ўринни эгаллаб ғолиб бўлдим. Бу билан жудаёам фахрланаман.

Настя ФОКУС, 12 ёш:

— Оромгоҳда мириқиб дам оламан. Бу ерда барча шарт-шароитлар муҳайё. Бир кунда 6 маҳал овқатланамиз, инглиз тилини ўрганаётимиз. Сузиш бўйича спорт мусобақасида ғолиб бўлдим. Совғалар беришди. Тарбиячилар ҳам, етакчилар ҳам жуда меҳрибон. Мен бу ерда кўплаб дўстлар орттирдим.

Ҳа, оромгоҳдаги болалар қувончи завқу шавқи оламга татийди. Улар болалигининг беғубор, беозор, фарахбахш бу гўзал кунларини, онлари-ю, лаҳзаларига ҳам бир умр эслаб қолишлари аниқ. Зеро, болалик бу подшолик. Подшолигининг болдай ширин ўтсин, болажон.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: «Трамвайчи» болалар оромгоҳи ҳаётидан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар.

Табиаат ажойиботлари

ТАЖРИБАЛАРНИНГ ҚИЗИҚ НАТИЖАЛАРИ

Хўрознинг оёғидagi пихининг унинг танасида пайдо бўлганини кўрганмисиз? Каламуш думининг белидан ўсиб чиққанини кўрсангиз сиз нима деган бўлардингиз, буларнинг ҳаммаси эртак, табиаатда бундай мўъжиза рўй бермайди, деб айтарсиз.

Биринчи бўлиб каламуш думининг белидан ўсиб чиққанини кўрсангиз сиз нима деган бўлардингиз, буларнинг ҳаммаси эртак, табиаатда бундай мўъжиза рўй бермайди, деб айтарсиз. Бундай ҳолатга келтириш мумкин: иккала қисқичини ҳам бир йўла синдириб олинса, йўқолган аъзолар тез тикланади, лекин уларнинг қисқичлари бир хил ўлчамда бўлади.

Маълумки, шиллиқ кўртнинг калласида тиккайиб турган ҳаракатчан пайпаслагичлари гоҳ ташқарига чиқади, гоҳ ичкарига беркинади. Вақти-вақти билан шиллиқ кўрт буйинини чўзиб ташқаридagi нарсаларни пайпаслаб кўради, қутилмаганда фалокат юз беради. Қанақадир ишқибоз жониворнинг пайпаслагичларини узиб олади, баъзан эса калласининг ҳам бир қисми узилади. Бу кўртнинг ўрнида бошқа жонивор бўлганда тузатиб бўлмайдиган бахтсиз ҳодиса юз берган бўларди. Бир неча ҳафтадан сўнг шиллиқ кўртнинг барча йўқолган аъзолари тикланади.

Баъзи бир дарё қисқичбақаларининг ўнг қисқичи чап томонидаги қараганда анча катта бўлади. Чап қисқичини кесиб ташланса, у яна ўсиб чиқади, ўнг қисқичи ҳам ўсиб чиқади, аммо унинг ўлчами анча кичик бўлади. Натижада жонивор чапақай бўлиб қолади, яъни чап қисқичи ўнг томонидаги қараганда катта

Сувда яшайдиган планарияни 5-6 бўлакка ажратиб ташласангиз уларнинг ҳар бири алоҳида организмга айланади, лекин ўлчамлари одатдагидан кичик бўлади. Энди планарияни кўнданлангига эмас, бўйига қараб икки паллага ажратилса, ўнг бўлагига етишмайдиган чап томони ва чап томонига етишмайдиган ўнг бўлаги ўсиб чиқади.

Нихоят, шундай оддий тузилган жониворлар борки, масалан денгиз юлдузини 100 бўлакка ажратиб ташласангиз ҳам ҳар бир донасидан алоҳида организм ҳосил бўлади. Бирок, уй ҳайвонлари билан шундай тажрибаларни амалга оширишни истасангиз, асло мақсаднингизга эриша олмайсиз. Яъни табиаатда бундай мўъжиза рўй бермайди. Сабоби, табиаатдаги ҳар қандай ҳодисанинг ўзига хос қонун-қоидалари бор. Хулоса қилиб айтганда ҳайвон қанчалик ёш бўлса, унинг йўқолган аъзоси шунчалик тез тикланади, шунингдек, ҳайвон қанчалик оддий ва жўн тузилган бўлса, йўқолган аъзосини тиклаш қобилияти шунчалик яққол намоён бўлади ва ақсинча — жонивор қанчалик юксак тузилган бўлса, унинг йўқолган аъзосини тиклаш қобилияти шунчалик заиф бўлади.

Яҳё ДАВЛАТОВ, биология фанлари доктори.

Тошкент шаҳар, Яққасарой туманидаги «KRAMR» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги илмий ишлаб чиқариш корхонаси ўз Низом жағнамасининг 27210364 сўмдан 16585346 сўмга камайтиришини маълум қилади. Маълумотлар учун телефонлар: 40-04-80; 144-19-58.

Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 247-ўрта мактаб томонида 1992 йилда Алимова Сайёра Рихисбоевна номига берилган 9-синфни битирганлик тўғрисидаги А№089340 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар — 133-28-95, 133-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2812 нусхав босилди. Қўзғат биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашриёт етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.